

ТАЛАБА ЁШЛАРДА ВАТАН ТУЙГУСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА МЕММОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ
ТУТГАН ЎРНИ

А. Даулетбаева
ҚҚДУ, бино ва иниоотлар қурилиши
кафедраси стажёр-ўқитувчиси

Аннотация: Ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялашда оила, маҳалла, таълим муассасаларининг ўрни ва аҳамияти бекиёсdir. Инсонинг хаёт ҳакидаги дастлабки қарашлари оиласа шаклланса, ижтимоий мухит таъсирида муттасил ривожланиб боради. Ҳозирги кунда оила, маҳалла, таълим муассаси ўртасидаги алоқани узвийлигини таъминлаш ҳамда уларни ҳар бири ўзининг функционал вазифасини бажаришга эришиш мақсадида тарихий обидалар, меморий обектлар, ҳамда аждодларимиз мөърослари ҳакида ишланган фильмлар, ва презентация материалларини оммавий ахборот боситалари ва олий таълим муассасаларининг ахборот соати дарсларида ёритиб бориш лозим.

Калим сўзлар: аждодлар мөъроси, маданий-меморий ёдгорликлар, қўргон, қалъа, тепалик, ватан туйгуси;

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси ўзининг 29 йиллик мустақил тараққиёти давомида асрларга teng йўлни босиб ўтди. Тарихан қисқа бу даврда шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимиз қиёфаси, жамиятимиздаги ижтиомий-иктисодий муносабатлар тубдан ўзгарди.

Ўтган 29 йиллик давр бутун мамлакатимиз минтақалари ва худудлар қатори Ўзбекистонимизнинг шимолий қисмида жойлашган, мамлакатимиз ижтиомий-иктисодий ривожида алоҳида ўрин тутувчи Қорақалпоғистон Республикаси ривожида ҳам ўчмас из қолдирди. Биринчи Президент И. Каримов минтақанинг республикамиздаги ўрнига тўхталган ҳолда “Қорақалпоқ халқи доимо юртимизнинг таянч тоғларидан ҳисобланган” деб таъкидлайди [1].

Ана шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида барча минтақалар қатори Қорақалпоғистоннинг ривожланишига ҳам улкан эътибор қаратилгани ҳолда давлатимиз раҳбарининг бевосита ташабbusлари билан Қорақалпоғистон Республикасини ижтиомий-иктисодий ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилиб келинмоқда Ушбу дастурнинг амалдаги самараси сифатида Қорақалпоғистон бугунги кунда

асрлар давомидаги оддий аграр ўлқадан замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалар, транспорт-коммуникация тармоқлари, юксак малакали кадрларга эга бўлган қудратли минтақага айланиб бормоқда [2].

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос урф-одат, анъана ва менталитетга эга Қорақалпоғистон Республикасида юқори айтиб ўтилган минтақани - ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида қорақалпоқ замини бундан 29 йил олдинги экологик ҳалокат домидаги қолган худуддан бугунги кунда таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб, йилдан-йилга чирой очиб, барқарор суръатларда ривожланиб бораётган диёрга айланди.

Хозирги вактда бутун дунё, шу жумладан Қорақалпоғистон ҳам, табиий ресурсларни сақлаб қолиш ва улардан барқарор фойдаланиш муаммоси олдида турибди. Кейинги йилларда ер юзидағи минг йиллардан бери мавжуд бўлиб келган бир бутун табиий обьектлар, улар билан биргаликда мазкур обьектларнинг бетакрор ҳайвонот ва ўсимликлар олами ҳам йўқолмоқда.

Жампик қалъа, Гаур қалъа, Чилпик кўрғони, Шайх Жалил бобо каби тарихий ёдгорликлар билан бирга Султон Увайс тоғи, Амударё соҳилида кўпгина табиий экотуристик обьектлар ҳам мавжуд.

Ана шундай экотуристик обьектлардан бири Чилпик қалъаси – Амударё тумани ҳудудида, Нукус-Беруний йўлининг жанубий томонида жойлашган мухим археологик ёдгорлик. Ўтган асрнинг 40-йилларида бу обьект Хоразм археологик экспедицияси томонидан ўрганилган. Ишоотнинг ёши милоддан аввалги I асрнинг охири – милодий I асрнинг бошлари сифатида белгиланади. Археологлар ишоот милодий VII-VIII ва IX-XI асрлар оралиғида қайта қурилганини қайд этишган. Вазифаси бўйича кўрғон зороастризм дастури бўйича ўлган одамларнинг мурдасини олиб келган.



1-расм. Чилпик қалъа

Ўрта асрларда (IX-XI аср) маҳаллий халқнинг дини ва маданияти ўзгариши билан Чилпик сигнал берувчи *минорага, тепаликка* айланган.

Қўрғонга тоғнинг табиий йўли олиб боради. Унинг катта йўлга яқин жойлашганлиги халқаро магистрал йўл, трассадан ўтаётган йўловчиларни ва туристларни ўзига жалб қиласди. Туристлар қўрғонга гид билан экскурсияга чиқишлиари, атрофини айланиб томоша қилишлиари ва расмга тушишлари учун жуда ажойиб, манзарали жой ҳисобланади. Тепалик устида туриб атроф манзарасини кузатиш ҳар бир инсонга завқ бағишилади.

Чилпик қўрғони биосфера резерват ҳудудида жойлашган бўлиб, туристлар ташриф буюрадиган асосий обьектлардан бири сифатида Қорақалпоғистоннинг маъмурий маркази Нукус шаҳрига ва Мўйноқга туристларни олиб бораётган барча туркомпаниялар маршрутларига киритган.

Туман ҳудудида Хўжакўл кўлидан 1км шарқда жойлашган X-XIII асрлар ёдгорлиги Хўжакўл сигнал тепалиги, минораси мавжуд. Ушбу тепалик ҳозирда 5 м баландликда сақланиб қолган, унинг асоси лойдан ясалган бўлиб 32x32x5см размердаги ғиштдан қурилган 8x5 м ўлчамдаги тўғрибурчак шаклига эга.

Бундан ташқари, Қипчоқда аҳоли турмуш тарзини, маҳаллий усулда қурилган лой-пахсадан қурилган уйларни кузатиш имконияти мавжуд.

Султон Увайс тоғининг жануби-ғарбий этагида Амударёning ўнг соҳилида қадимий ёдгорликларнинг бири - Жампиқ қала (IX –XI аср, XII –XIV аср.) жойлашган.

Қалъа канал четида, Бадай-тўқай қўриқланадиган ҳудуди эса унинг ёнида жойлашган. Жампиқ қалъанинг максимал узунлиги 420 м, эни 288 м га teng. Деворлари 9 м баландликда лой пахсадан иборат. Деворнинг устидан ўқ ёй тарзли галерея ўтган (96 м энликда). Унга зиналар ёрдамида кўтарилади. Деворнинг айрим жойлари тош парчалари билан қайта ишланган. Шарқий томонида пахса деворларининг тўғри бурчакли шаклдаги цитадель сақланган. Деворлар ёпиқ устунлар билан безатилган бўлиб, бу эски қалъа ўрта асрларда порт шаҳар бўлган [5].



2-расм. Жампиққалъа тепалиги

Жампиққалъа тепалиги Амударёning ўнг томонида Кўянчиқ тепалигига Қаратай посёлкасидан 4 км жанубда жойлашган.

Қалъа билан қўриқхона ҳудуди орасидан Кўкдарё канали оқиб ўтади ва ажойиб манзарани ҳосил қиласди. Мазкур ҳудуд маданий, диний ҳамда экотуристик йўналишларнинг мажмуасини ташкил қилиш керак бўлган жуда гўзал ва табиий манзарали жой ҳисобланади.



3-расм. Фовур қалъа ёдгорлиги

Фовур қалъа ёдгорлиги учбурчакли кўринишига эга. Унинг шимолий деворининг узунлиги 200 м атрофида, шарқий қисми эса 50 м жанубга чўзилган, кейин яна биринчи йўналиш бўйича 50 м га давом этади. Шарқий деворининг узунлиги 450 м, ғарбий деворининг жанубий қисми Амударё суви билан ювилиб 400 м оралиқда сақланиб қолган ва дарё бўйлаб 40 - 100 м узунликга чўзилган.

Фовур қалъа ва Жампик қалъа орасидаги масофа 9 км. Йўлда X - XIII асрларнинг ёдгорлиги бўлган Жампик қалъа сигнал берувчи тепалигини, лой минорасини кўриш ва расмга тушириш имконияти бор. Тепалик чўзилган пирамида шаклига ва асоси тўғри бурчакли шаклга эга бўлиб $4,8 \times 4,6$ м га teng [3].

Ақчахон қалъаси – қадимий археологик маскан, милоддан аввалги IV-III аср – милодий – IV аср. Беруний туманиидаги «Озод» қишлоғининг шимолий-шарқий қисмida, юқори кўчма қумли дўнгликлар ўртасида жойлашган. Маҳаллий аҳоли орасида бино «қозоқ тўшаги» деб номланади. Қалъанинг шарқий томони қум тепаларидан ва шимолий томони қадимги ҳайдаладиган ерлардан иборат бўлиб, у ерда илгари яшаган кулбалар

қолдиқлари бўлган. Ақчахон қалъаси антик давринг энг қадимий ва ноёб иншоотларидан биридир.

Амударёning ўнг томонидаги бу катта қалъанинг номи тўғрисида эса қатор манбалар мавжуд. 1910-1912 йилларда шу худудда тадқиқот ишларини олиб борган россиялик тўпроқшунос Н.А.Димонинг ёзма манбаларида у «Аёз қалъа билан Қизилқалъа ва Ақчахан қалъанинг ўртаси маданий-тариҳий эсдаликларга жуда бой экан», деб бу муқаддас тўпроқни Ақчахан қалъа, деб атайди. Ўрта аср ёзма манбаларида Қадимги Хоразмнинг пайтахти «Даржас» бўлган деган ҳам маълумот бор. Демак, бул қалъа номи «Даржас» бўлиши ҳам мумкин.

Ақчахан қалъа 50 гектардан зиёд майдони, беткарор меъморий қурилиши (уч қават), ундаги ҳар хил катта дарвозалар, унинг ташқарисидаги «Буюк Хитой девори»га ухшаш қалинлиги уч метрга яқин, узунлиги беш километрдан ортиқ баланд деворлар, ундан бери томонидаги лой олинган теран ва энли хандак (душмандан беркиниш учун сув билан тўлдирилган чуқурлик)нинг жойлашиши, ҳаттоки, қалъадаги заҳ сувларнинг ташқарига чиқарилиши учун канализацияларнинг ҳам мавжудлиги бу қалъанинг пойтахт шаҳар бўлганлигини исботлайди. Бу қалъа Ўрта Осиёда камдан-кам учрайдиган энг йирик қалъалардан бири.[8]



4-расм. Ақчахон қалъаси

Мамлакатимизда миллий давлатчилигимиз тарихини ўзида акс эттирган ушбу ёдгорликларни, тарихий ва маданий обидаларни ўрганиш, асраб-авайлаш ва кенг тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар самараси юртдошларимиз, айниқса, ёшлар қалбидаги Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, аждодлардан ифтихор қилиш туйғусини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ватан тушунчаси ҳар қандай инсонда ҳам мавжуд экан уни түғри шакллантириш зарур. Айниқса эндиғина борлиқни теран англай бошлаган ёшларимизга бу туйғуни кўпроқ тушунтиришимиз, уларнинг турли мағкуралар олдида чалғиб кетишини олдини олишимиз керак. фарзандларимизни шундай тарбия қилайликки, улар Ватанга, юртга, халққа содик бўлсин.[4]

Инсон улғайган сари унинг Ватан ҳақидаги тушунчалари ҳам кенгая боради. Юртимизда туғилиб-ўсан ҳар бир инсон “Ватаним” деганида ўз уйини, қишлоғини ёки шаҳрини эмас, балки Ўзбекистон Республикасини назарда тутади. Бу эса Ватан туйғусининг, ватанпарварликнинг халқимиз қалбидаги ифодасидир. [5]

Ватан туйғуси — бу азиз ва гўзал юртимизга хурмат ва садоқатли бўлиш. Ватан туйғуси — бу Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон ва ҳозирда Ўзбекистон дея аталган заминда яшаб келаётган халқимизнинг олтин меросини, унинг тарихини ўрганишга интилишdir.

Ватан инсоннинг руҳияти, турмуш тарзи, онги ва тафаккури, ўтмиши, бугуни ва келажаги мужассам бўлган тушунчадир[6]. Ватан осто надан, ўзи туғилиб ўсан гўшадан бошланади. Шунинг учун бола ўзи яшаб, нафас олиб турган хонадонида улғайиб вояга етишишида муҳташам ва қудратли макон бўлган она заминига меҳр-муҳаббат ва садоқати абадий бўлмоғи зарур. Ҳар бир инсоннинг ватанига бўлган муҳаббати она сути, она алласи ва ота-она меҳри билан унинг вужудига сингиб боради, ота-онасини авлод-аждодлари,

уларнинг анъаналари, урф-одатлари, касб-корларини севувчи фарзанд ўзгаларни ҳам севади. Миллати, халқи, адабиёти, санъати, дини ва маданиятидан ғуурланиб, ўзи ўсган юрт табиатидан илҳомланиб, унинг муқаддас тупроғи қадрини англайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аимбетов Н. ва бошқ. Қарақалпақстан: [китоб-альбом]. Т.: Маънавият, 2011.
2. Халқ сўзи, 2007 йил 26 январь
3. Хожаниязов Г., Ҳакимниязов Ж. Қарақалпақстаниң әжайып жети естелиги. Н: «Қарақалпақстан», 2004.
4. <https://muslimun.uz/yoshlarda-vatan-tuy%D2%93uci/>
5. <https://adolatgzt.uz/society/5475>
6. <http://uchildiz.uz>